

**2** «Лойихада белгиланган вазифалар барча партиядошларимиз зиммасига жуда катта масъулият юклайди»



**ТЕМИР МАҲАЛЛА – ТЕМИР МИЛЛАТ** **4**



**Миллионлар хоҳиши билан** **5**  
Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади...

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ТАЯНГАН ТАРАҚҚИЁТ!



# Milliy tiklanish

№ 1 (1150) 2022 йил 12 январь, чоршанба

«Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашида 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси лойихаси ва уни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» муҳокама қилинди



**М**асъулумки, Тараққиёт стратегияси халқ манфаати йўлида амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, энг аввало ушбу ҳужжат "Инсон қадрини таъкидлаш жоиз. Зеро, инсон қадр-қиммати ҳимоя қилинган, улуғланган жамиятда ривожланиш, тараққиёт бўлади, фуқаролар эса фаровон яшайдилар.

Давра суҳбатини Марказий кенгаш раиси Алишер Қодиров очиб, жамоатчиликнинг Тараққиёт стратегияси лойихаси муҳокамаида фаол иштирок этаётганини халқимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий тафаккури ошиб бораётгани ва давлатимиз тақдирига бефарқ эмаслиги далолати деб атади.

– Ўзбекистон тарихида биринчи марта бундай кенг қўламли масалаларни қамраб олган тарихий ҳужжатнинг қабул қилинаётгани ҳар биримизга, айниқса, халқ ишончини қозонган депутатлар зиммасига жуда катта масъулият юклайди, – деди А.Қодиров.

Қайд этиш лозим, инсон капиталини ривожлантиришнинг энг муҳим омилли ҳисобланган таълим-тарбия масаласи Тараққиёт стратегиясининг бирламчи йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Зеро, таълим-тарбия барча замонларда ҳаёт-мамонт масаласи бўлиб келган. Бугун дунёнинг энг ривожланган давлатлари тарихи ҳам ўз даврида айнан илм-фан ва таълим-тарбия ривожига алоҳида эътибор қаратилганини кўрсатяпти.

Шунинг учун йиғилишда тарбия барча муваффақиятларнинг пойдевори экани, тарбия кўрмаган олим зарарли, аскар сотқин, мансабдор эса коррупционер бўлиши яна бир бор тилга олинди. Тарбияли чўпон олимдек фойдали, ҳарбий – ватанпарвар, мансабдор эса халқпарвар бўлишига тарихдан истаганча мисоллар келтириш мумкин. Яна бир ҳақиқат шуки, ўз қадрини англамаган инсонни қадрлаш нафақат шу инсоннинг ўзи, балки жамият учун ҳам зарарлидир. Ўзини англаш ва қадрлаш эса болаликдан, тизимли равишда онгостига жойлаштирилиши зарур бўлган муҳим кўникмалардан бошланади.

Зеро, инсон барча яхшилик ва ёмонликларнинг муаллифи экан, яхши инсонларнинг кўп бўлиши жамиятда адолатнинг қарор топиши билан бирга мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлигини ҳам кафолати бўлиб хизмат қилади. Шу боис ҳам, тарихий ҳужжатда мамлакатни ўрта ва узоқ истиқболдаги равнақи учун таълим соҳасини ислоҳ қилишга жойлаштирилиши зарур бўлган муҳим кўникмалардан бошланади.

Давоми 2-саҳифа

**7**



**ҚОЗОҒИСТОН ФОЖИАСИ**

**3** **2021**

**ПАРЛАМЕНТ ДИПЛОМАТИЯСИ – ТАШҚИ СИЁСАТНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ**

Йили Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 42 та яхлит қонун қабул қилинди, 50 дан ортиқ қонунларга қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Келгуси сонда

**ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ХАТОЛАР**

ҲАМ ҲАРБИЙ СОҲАДАГИ БЎЛГАНИДЕК, МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД СИФАТИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ КЕРАК...

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯГИНА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ БЎЛА ОЛАДИ

**3** Ш у кунларда «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси» ҳамда «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» жамоатчилик томонидан қизгин муҳокама қилинмоқда.



# ПРЕЗИДЕНТНИНГ 300 ТА МАҚСАДИ

«Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашида 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси лойиҳаси ва уни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» муҳокама қилинди.



2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси лойиҳасида жорий йилнинг ўзидагина 300 та мақсадни қамраб олган тадбирлар мажмуаси белгиланаётгани, шу тариқа миллионлаб юртдошларимиз талаби ва хоҳишдан келиб чиқиб, ижтимоий-иқтисодий муаммолар илдизига болта уриляпти, дегандир.

Шу ўринда, илгари Ўзбекистон тарихида бундай кенг қўламли тадбирлар лойиҳаси қабул қилинмаганини, энди 2026 йилгача ҳар йили аниқ мақсадларга қаратилган ана шундай дастурлар қабул қилинишини айтиш жоиз.

Йиғилишда партиянинг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, лойиҳа учун тақдим этилган таклифлар яна бир бор қўриб чиқилди.

Хусусан, 18 ёшгача фарзанди бор аёлларга алоҳида ёрдам бериш, бу ёрдам моддий қўллаб-қувватлаш билан бирга, ота-оналарнинг ўз фарзандларини тарбия

қилиш бўйича малакаси-ни оширишга қаратилган манзилли ва масофавий ўқув-маслаҳат тизими кўринишида ҳам амалга оширилиши мумкинлиги айтилди. Шу билан бирга, ота-оналарнинг фарзанд тарбияси учун масъулияти ва жавобгарлиги кучайтирилиши ва бу қонунларда аниқ белгилаб қўйилиши лозим.

Мактабгача таълимда эса тарбия методикаси аниқ белгиланиши ва тарбия жараёнида боланинг онгостига миллий ва умуминсоний қадриятларимиз сингдирилиши керак. Ўқувчининг билими ва педагогик фаолияти янги тизим – видео кузатув асосида баҳоланиши лозим. Еттинчи синфдан бошлаб эса педагогик кенгашнинг хулосалари ва якуний жамланган баҳолашга мувофиқ ўқувчилар учта тоифада – академик, тадбиркорлик, ҳунармандлик кўникмалари бўйича махсус дастурлар асосида рақобатбардош даражада ўқитилиши лозим. Мактабни тугатган ёшларга тадбиркор ёки ҳунармандлик

фаолиятини йўлга қўйиш учун бир марталик субсидия кафолатланиши ҳам ёшлар учун жуда катта туртки бўлади.

Тарбия ва таълим сифатини назорат қилиш Инспекцияси эса парламент ҳузурида ва парламентга бевосита ҳисобдор бўлиши керак. Педагогика институтларига танлов махсус тизим асосида ўтказилиши, фақат педагогик қобилиятига эга бўлганларгина талабалikka олиниши лозим. Ҳарбий соҳада бўлганидек, бу соҳадаги хато ҳам миллий хавфсизликка таҳдид сифатида кўрилса асл мақсадимизга эришамиз.

Йиғилишда партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Баҳодир Маматхонов Тараққиёт стратегияси лойиҳаси бўйича партия Марказий кенгашига бир қатор концептуал таклифлар келиб тушганини маълум қилди. Унинг айтишича, Фармон лойиҳасига 97 та, Тараққиёт стратегияси лойиҳасига 89 та ва «Йўл харитаси»га эса 33 та таклиф келиб тушган.

Давра суҳбатида

маҳаллий Кенгашлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилган «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари регламенти тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш кўзда тутилаётгани ҳам маълум қилинди. Тўғри, қонун ижодкорлиги маҳаллий Кенгаш депутатлари вазифасига кирмайди. Бироқ улар пастдаги ҳақиқий аҳволдан хабардор. Шу жиҳатдан қараганда, уларга қўшимча имконият берилиши қабул қилинган қонунларнинг ҳаётийлиги, халқчиллиги ва энг асосийси, қоғозда қолиб кетмай, амалда ишлашини таъминлайди.

Шу билан бирга, маҳаллий Кенгашларнинг назорат функцияларини кенгайтириш, уларни тизимлаштириш мақсадида «Халқ депутатлари Кенгашлари назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳам белгиланмоқда. Агар ушбу қонун ишлаб чиқилса асосий назорат қилувчи тузилма, яъни маҳаллий Кенгашларнинг имкониятлари ошади.

Уларда ижро органларига сўров юбориш, зшитувини ташкил қилиш, депутатлик гуруҳлари ва доимий комиссияларнинг ваколати ортади. Бир сўз билан айтганда, муаммолар қуйидан ҳал бўла бошлайди.

Энг аҳамиятлиси, партиянинг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида ушбу лойиҳаларни ишлаб чиқиш ташаббус қилинганидир. Уларнинг Тараққиёт стратегияси лойиҳасида акс этиши партиянинг дастурий мақсадлари ижроси таъминланишига хизмат қилади.

Тадбирда Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Мухамеджанова ҳам сўзга чиқиб, мамлакатимизда келажагига дахлдор бўлган Тараққиёт стратегияси лойиҳаси ёшлар ва аёллар ҳамда «Депутат аёллар клуби» томонидан ҳам кенг муҳокама қилинаётганини таъкидлади.

– Эътиборли томони шундаки, партиямиз томонидан илгари сурилган қўллаб-қувватлаш ушбу ҳужжатда акс этган ва бу

партиямиз аъзолари ва депутатларимизга катта масъулият юклайди, – деди Ф.Мухамеджанова.

Давра суҳбатида, шунингдек, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси Тажибай Романов, Андижон вилояти Кенгаши раиси Ҳамиджон Омонов, халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши депутати Шохсанам Кулиева, Чиноз тумани Кенгаши депутати Шахбоз Низомиддинов, Навоий вилояти Кенгаши вакили Йўлдошмурод Жўлиевлар ҳам сўзга чиқиб, лойиҳа ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Бир сўз билан айтганда, Тараққиёт стратегияси юртимизда халқпарвар давлат сифатида Янги Ўзбекистонни сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий, маънавий тараққий эттиришнинг мустақкам ҳуқуқий асоси сифатида қабул қилинди.

**Равшан МАҲМУДОВ,**  
«Миллий тикланиш»  
муҳбири

## Парламентда

# Таълим-тарбиядаги хатолардан хулоса чиқариш керак



«Миллий тикланиш» демократик партияси фракция йиғилишида Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ва 2022 йилда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»ни тасдиқлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳаси атрофида муҳокама қилинди.



Таъкидланганидек, «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, таълим ва тарбия соҳасини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратиб келади. Ушбу масала Тараққиёт стратегияси лойиҳасида ҳам энг муҳим йуналишларидан бири сифатида белгиланди.

– Бугун барча давлатларда ёшлар таълим-тарбияси масаласига энг муҳим вазифа сифатида қаралмоқда. Чунки бугунги глобаллашув жараёнидаги маънавий таълим-тарбия борасидаги хатолари натижаси сифатида эътироф этилмоқда, – деди фракция аъзоси Нодирбек Тилаловдиев.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар таҳлил қилинса, таълим, айниқса, бирламчи тарбия ўчоги саналган мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилгани яққол кўзга ташланади. Янги Тараққиёт стратегиясида ҳам мактабгача таълим қамрови даражасини 67 фоиздан 80 фоизга етказиш, нодавлат боғчаларга ва мактабларга фарзандини юбораётган ота-оналарнинг 3 млн. сўмгача тўловини даромад солигидан озод этиш белгиланган.

Йиғилишда депутатлар мактабгача таълим ташкилотларининг давлат томонидан молиялаштирилиши ва боғча давридаги

охирги йилнинг мажбурий бўлиши муҳимлигини таъкидладилар. Бола туғилганидан то мактабни тугаллагунгача бўлган даврни ўз ичига олган тарбия ва таълим давлат дастурини ишлаб чиқиш ҳамда «Оила – боғча – мактаб» тизимини йўлга қўйиш муҳим ҳисобланади. Бунда оилада соғлом фарзандни дунёга келтириш ва тарбияни тўғри ташкил этиш учун 18 ёшгача фарзандлари бўлган ота-оналарни қўллаб-қувватлаб, уларга алоҳида мақом ва масъулият юклатилади.

Депутатлар лойиҳада кўзда тутилган мактабларда таълим сифатини ошириш, педагог-кадрларнинг билими ва малакасини халқаро даражада олиб чиқиш, бошланғич синф ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлаш, олий таълим қамровини 50 фоизга етказиш, «Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали эркин ва ижодий фикрлайдиган ёшларни нуфузли хорижий олийгоҳларга ўқишга юбориш кўламини 2 бараварга ошириш бўйича белгиланган вазифаларни қўллаб-қувватладилар. Бу каби вазифалар партиянинг Сайловолди дастурида ҳам назарда тутилганини эътироф этдилар.

Таъкидлаш лозим, фракция йиғилишида партиянинг ҳудудий Кенгашлари вакиллари ва маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳам масофадан иштирок этиб, улар ҳам Фармон лойиҳасига ўз таклифларини билдирдилар.


**Алишер ҚОСИМОВ**  
тайёрлади.



# ПАРЛАМЕНТ ДИПЛОМАТИЯСИ

## ТАШҚИ СИЁСАТНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

2021 йил Олий Мажлис Қонунчилик палатаси учун ҳам ўзига хос йил бўлди. Унда Қонунчилик палатаси томонидан 42 та яхлит қонун қабул қилинди, 50 дан ортиқ қонунларга қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.



Энг долзарб масалалар юзасидан 210 та, жумладан, 23 та парламент эшитуви, 7 та ҳукумат соати, 16 та парламент сўрови, кўмиталарнинг 164 та назорат-таҳлил тадбирлари амалга оширилди. Депутатлар кўмағида эса сайлов округларидаги муҳим масалалар ўз ечимини топди.

Сайловчилар билан ишлаш ва натижадорликни таъминлаш мақсадида эса депутат ёрдамчиси институти жорий этилди. Сайловчига янада яқинроқ бўлиш, халқ вакилларига мурожаат қилишларини осонлаштириш учун ҳар бир депутатнинг махсус телеграм боти ишга туширилди.

Аҳамиятлиси, Олий Мажлис палаталарининг хорижий давлатларнинг парламентлари билан ҳамкорлиги ривожланди. Шу орқали мамлакатимиз ташқи сиёсатида оид муҳим вазифаларни ечишдаги иштироки ва ўрни янада мустаҳкамланди. Олий Мажлисининг хорижий мамлакатлар парламентлари билан ҳамкорлик бўйича гуруҳлари ва комиссияларининг ишларини фаоллаштириш ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш чораларининг кўрилиши натижасида эса парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари

фаолияти жонлантирилди.

Айни пайтда парламент дипломатияси мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳар томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини яратиш, миллий қонунчиликни халқаро ҳамкорлик тамойиллари билан уйғунлаштиришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Олий Мажлис палаталарининг 2020 йилнинг 25 сентябрида тасдиқлаган «Ўзбекистон Республикасининг парламент дипломатияси концепцияси тўғрисида»ги қўшма қарори эса парламент дипломатиясини ривожлантиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Поёнига етган йилда 50 дан ортиқ давлатларнинг парламентлари билан тузилган ҳамкорлик гуруҳлари томонидан мулоқотлар давом эттирилди, икки томонлама ташрифлар амалга оширилди. Ўзбекистон Парламентлараро Иттифоқи (ПАИ), Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеяси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатларининг Парламентлараро Ассамблеяси ҳамда Туркий тилли давлатлар Парламент Ассамблеялари каби

Олий Мажлис палаталарининг 2020 йилнинг 25 сентябрида тасдиқлаган «Ўзбекистон Республикасининг парламент дипломатияси концепцияси тўғрисида»ги қўшма қарори эса парламент дипломатиясини ривожлантиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

нуфузли халқаро тузилмаларида фаол иштирок этди.

Ун йиллик танаффусдан сўнг, яъни 2017 йилда Ўзбекистоннинг парламентарийларнинг энг нуфузли институти ҳисобланган ПАИ аъзолигига қайта тиклангани парламентимиз нуфузини ошириш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди, дейиш мумкин. Ҳозир ўз таркибига 179 та давлат кирган, 1889 йилда ташкил топган ПАИ сиёсий муҳокама мақсадида асос солинган

илк халқаро ташкилот бўлиб, у парламентлараро мулоқот учун энг йирик платформа ҳисобланади.

Қисқа вақт ичида Ўзбекистон парламенти ҳам мазкур иттифоқда ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Жумладан, 2020 йилнинг 30 январь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидовнинг ПАИ вице-президенти этиб сайлангани ушбу нуфузли халқаро ташкилот билан ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқди, десак муболаға бўлмайди.

Шунинг баробарида, 2021 йилнинг 25-28 май кунлари бўлиб ўтган ПАИнинг «Пандемияни бугунги кунда енгиб ўтиш ва эртанги кунни яхшироқ қуриш: парламентларнинг ўрни» мавзусига бағишланган 142-Ассамблеяси парламенти учун тарихий бўлди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари А.Аслонов ПАИнинг Ёш парламентарийлар форуми, М.Баратова Барқарор ривожланиш бўйича доимий кўмита ҳамда Н.Тилаволдиев Евроосиё минтақаси томонидан Демократия ва инсон ҳуқуқлари бўйича доимий кўмита аъзолигига сайландилар. Утган йилнинг 22 июнь куни

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Мен парламентада ёшларни қўлламан» мавзусида Ёшлар парламентлари форуми ҳамда 23-24 июнь кунлари Бухоро шаҳрида «Барқарор ривожланиш мақсадларида эришишда парламентлараро глобал ҳамкорлик» масалаларига бағишлаб ўтказилган халқаро форумда Парламентлараро Иттифоқнинг Бош Қотиби Мартин Чунгоннинг шахсан иштирок этиши ҳамда ташриф давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти билан бўлиб ўтган мулоқотини Парламентларо Иттифоқ томонидан мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотлар, Ўзбекистоннинг халқаро аренадаги муҳим ташаббуслари ҳамда парламентимизга бўлган юксак ишонч ва эътирофи дея баҳолаш мумкин.

2022 йилнинг сентябрь ойида Парламентар аёл спикерларининг навбатдаги халқаро саммити Ўзбекистонда ўтказилишини ҳам халқаро ҳамжамиятнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган инсон ҳуқуқларини химоя қилиш, айниқса, гендер тенглиги ва ёшлар масалаларида

олиб борилаётган ислохотлар ҳамда ташаббусларнинг натижаси, десак бўлади. Умуман, кейинги йилларда миллий парламентимиз мамлакат ташқи сиёсатининг фаол иштирокчисига айланди. Парламент дипломатиясининг географияси кенгайиб, натижадорлиги ошмоқда. Ушбу ҳолат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда узвий алоқаларни ўрнатиш имконини яратиб, давлатлараро дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилляпти.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси 2022 йилда ҳам мазкур йўналишда тизимли ишларни давом эттириб, тараққиёт стратегияси ва парламент дипломатияси концепциясида белгиланган юксак мақсадларга эришиш, парламентлараро ҳамкорликка янги, прагматик мазмун ва аҳамият бахш этиш имкониятларидан самарали фойдаланишни давом эттиради.

**Нодир ТИЛАВОЛДИЕВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
Парламентларо Иттифоқнинг Демократия ва инсон ҳуқуқлари бўйича доимий кўмита аъзоси

## Таълим ва тарбиягина

Шу кунларда «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси» ҳамда «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» жамоатчилик томонидан қизгин муҳокама қилинмоқда.

# Учинчи РЕНЕССАНС

пойдевори бўла олади



15 январь кунига қадар муҳокама этилиши режалаштирилган ушбу ҳужжатда Янги Ўзбекистоннинг эртаси қандай бўлади, фаровон ва ўзига тўқ, ижтимоий-иқтисодий муаммолардан холи мамлакатга айланишимиз учун нималарга эътибор қаратишимиз лозим, деган долзарб саволларга жавоб топиш юртдошларимиз ҳукмига ҳавола этилган. Маълумки, партияимизнинг дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, таълим ва тарбия соҳасини ислоҳ қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратялмиз. Шу маънода Тараққиёт стратегияси ва Тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»да мактабгача таълим тизимида таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш, 2022/2023 йилларда 6 ёшли болаларни мактабгача тайёрлов тизими билан

қамраб олиш даражасини 90 фоизга, 2024/2025 ўқув йили якунига қадар 100 фоизга етказиш, боғча ходимларининг профессионал тайёрлиги ва маҳоратини ошириб боришнинг тақомиллаштирилган тизимини жорий этиш, мактабгача таълим тизимида қонун бузилиши ҳолатларини олдини олиш, мактабгача таълим тизимида молиявий қонунбузарликлар ва коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ягона ахборот тизимини яратишдек долзарб вазифаларнинг белгилаб қўйилгани эътиборимизни тортди. Қайд этишимиз жоизки, кейинги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотлар чуқурроқ таҳлил этилса, таълим, айниқса, бирламчи тарбия ўчоғи саналган мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилгани яққол

кўзга ташланади. Бу Янги Ўзбекистонда ҳам таълим-тарбия «ҳаёт-мамонт» масаласига айланганидан далolat беради, албатта. Шу ўринда «Миллий тикланиш» демократик партияси бола туғилганидан то мактабни тугаллагунгача бўлган даврни ўз ичига олган тарбия ва таълим давлат дастурини ишлаб чиқиш ҳамда «Оила – боғча – мактаб» тизимини йўлга қўйишни таклиф этади. Бунда оилада соғлом фарзандни дунёга келтириш ва тарбияни тўғри ташкил этиш учун 18 ёшгача фарзандлари бўлган ота-оналарни қўллаб-қувватлаб, уларга алоҳида мақом ва масъулият юклатиш мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда мактабгача таълим ташкилотларининг давлат томонидан молиялаштирилиши ва боғча давридаги охириги йилнинг мажбурий бўлиши ҳам ниҳоятда муҳим эканини айтиш


жоиз. Бу жараёнда энг аввало, тарбиячиларнинг иш ҳақлари оширилишига, улар учун йиллик сертификация жорий этилиб, боғча гуруҳларида болалар сонини 15 нафардан ошмаслигига эришиш лозим. Соҳада педагогларни танлаш ва тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш, ушбу йўналишда психологик тест ва ижодий имтиҳонларни жорий қилиш, олий таълим тизимида «Мактабгача бўлган даврда тарбиявий ишларни ташкил қилиш» ва «Мактабда тарбиявий ишларни ташкил қилиш» ихтисосликларини жорий қилиш ҳам кун тартибидеда турган муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, муҳим ҳужжатда ота-она ва болаларни ижтимоий ҳаётга, шунингдек, мактабгача таълим босқичига тайёрлашга қаратилган «Ёш ота-оналар мактаби» ва «Оилада

тарбиявий ишларни ташкил этиш» каби махсус курслар фаолиятини йўлга қўйиш белгилаб қўйилса мақсадга мувофиқ бўларди. Тан олайлик. Бугунга келиб, ривожланган ва демократик давлатларда ҳам ёшлар тарбияси масаласи кун тартибидедаги муҳим вазифалардан бирига айланди. Бу борада барча давлат ва жамиятлар яна ўзларининг миллий қадриятларига мурожаат қилмоқдалар. Ана шуларни эътиборга олган ҳолда Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида тарбия ва таълим масаласига устувор масала сифатида эътибор қаратилгани барчамизни беҳад қувонтиради.

**Дониёр ТОШБОЕВ,**  
партия Марказий кенгаши бўлим бошлиғи

# ТЕМИР МАХАЛЛА

## темир миллат



Азамат ЗИЁ,  
Олий Мажлис  
Сенати аъзоси

Маълумки, цивилизация муайян халқ ва маконнинг ижтимоий юксалиши, моддий ва маънавий маданиятининг сифат даражасини англатади. Унинг тарихий ва замонавий воқелигимиздаги бошланғич бўғини эса маҳалладир! «Маҳалла» арабча сўз бўлиб «ағалламоқ», «ўрнашмоқ», «тўхтамоқ» маъносини билдиради. Бирон манзилда тўхтаб, ўрнашиб, ўша жойнинг эгасига айланганлар теграсини билдирувчи мазкур атама жуда катта тарихга эга эканини археология қазинмалари ва ёзма манбалар ҳам тасдиқлайди. Хусусан, арабларнинг юртимизга бостириб кирган илк пайтларда уларга қарши уруш-талашлар ҳам айнан маҳаллаларда юз берганининг ўзи юқоридаги фикрни исботлаши мумкин.

# 3500

-4000 йил бурун гуллаб-яшнаган Сополлитепа, Жарқўтон сингари илк шаҳарларимизни ўтроқ маданият намуналари сифатида яхши биламиз. Бироқ улар бир қанча маҳаллаларга бўлингани, кулчилик, темирчилик, заргарлик, тўқимачилик ва теричилик ўша пайтларда юксак даражада ривожлангани кўпчиликка маълум эмас. Қизиғи, ҳар бир маҳалланинг ўз оқсоқоли бўлганидан ташқари, улар маслаҳатлашиб иш кўрадиган оқсоқоллар кенгаши ҳам фаолият юритган. Ушбу кенгашларнинг миллий давлатчилигимиз яралиши ва ривожланишидаги тугган ўрнини эса ҳеч нарса билан қийслаб бўлмайди. Негаки, маҳалла давлатчилигимиздан олдин пайдо бўлган!

Хунармандчиликдаги ихтисослашув жараёни ҳам худди шу пайтда бошлангани инобатга олинса, «эски шаҳарларимиздаги «Атторлик», «Заргарлик», «Темирчи», «Тақачи», «Эгарчи», «Парчабоф», «Чақичмон», «Кунчилик», «Дегрез», «Ипакбозор», «Базозлик», «Маҳсидўз», «Қошиқчилик», «Мисгарлик», «Пичоқчилик», «Уқчи» сингари кўплаб тарихий номларни ўзида мужассам этган маҳаллалар илдизи қанчалар чуқур эканини аниқлаш унчалар қийин эмас, деб ўйлаймиз.

Маҳалла билан алоқадор яна бир муҳим омил бор: ҳоҳ 4000, ҳоҳ 1000 ёки 150 йил илгари бўлсин, улар элжурт тинчлиги ва озодлигини қўриқлаш, босқинчиларга қарши кураш майдони ҳам бўлган. «Эски шаҳар»ларимиздаги кўчаларнинг нисбатан торлигини эса маҳаллаларнинг мудофаа тизимидаги тенгсиз ўрни билан изоҳлаш мумкин. Яъни, ёв бостириб келганида, ё уни ичкарига киритмаслик, ё ичкарига киритиб олиб қамаш мақсадида маҳалла бошидаги кўчалар ёғоч, шох-шаббалар би-

лан тўсилган. Эркаг-у аёл, ёш-у қари томларда туриб душманга қаттиқ қаршилик кўрсатгани, уни қириб ташлаганига оид гувоҳликлар ўнлаб манбаларда қайд этилган.

Агар турли тарихий босқичларда олов, будда, Аллоҳга сиғинувчиларнинг саждагоҳлари, ўқув масканлари, жумладан, мактаб, мадрасалар маҳаллада қурилиб, касалхона, устахона, карвонсарой, бозорча, тегирмон, ҳаммомлар ҳам маҳаллада фаолият юритгани кўзда тутилса, камда 4000 йилдирки, маҳалла миллий давлатчилигимиз, иқтисодиётимиз, мудофаачилигимиз ва маънавий турмушимизнинг пойдевори бўлиб келаётгани аёнлашади.

Утган минг йилликлар ичида қишлоғ-у шаҳарлар, туман-у вилоятларнинг қанчаси йўқ бўлиб, қанчасининг тегралари ўзгача тус олди, яна қанчаси янгитдан пайдо бўлди. Ҳатто неча-неча буюк салтанатларни туган давлатимиз чегаралари ҳам ўзгариб кетди. Бироқ маҳалла йўқолмади! Қанчалик уринмасинлар, буни ҳатто сўнгги мустақилликларимиз – коммунистлар ҳам эппай олмадилар.

Раҳматли бувимизнинг мулоқотларида «дамкўм қақирди», «дамкўм ундоқ деди, дамкўм бундоқ деди», «дамкўм кириб келди», «дамкўм налуни (налог) сўраб кирди», «дамкўм йўқ деган», «дамкўмга чиқаман», қабилдаги таъкидларни кўп эшитардик. Улардан мана буниси эса ҳали ҳам қўлоғимиз остида жаранглаб тургандек: бир кунни додам кўчадан йўлғамсираб кирди ва нима гап тинчликми, ким хафа қилди, деган саволимга, «дамкўм» билан «ваенкўм»нинг уйи куйсин, этигини тортишга кучи йўқ ўспиринларни тўп-тўп қилиб урушга олиб кетмоқда, эртага бари жувонмарг бўлиши тайинку, болам...

«Дамкўм» кимлигини тушунмай, у ким ўзи деган, сўроғимизга жони жаннатда бўлгун онамизнинг «маҳалла раиси» деган жавоблари ҳам масалага оидлиқ киритмаган. Улғайганимиз сайин маҳалла, унинг раиси нима ва кимлиги аёнлашган бўлсада, бироқ 1988 йили яратилган «Итюррак» («Собачье сердце») киноасарини кўрганимиздагина, гап нимада эканини билиб олдик. Яъни, «Домком» аслида «домовой комитет»нинг ўзак қисқартмаси бўлиб, мазкур жамоат тузилмаси нима-ю, уни кимлар бошқаргани аёнлашади. Ана шундагина, бувим «домком»ни тилга олганида, оҳангларида ҳатто бола бўлмиш каминана сезилган қандайдир

чўчиш ва катта буваимизнинг қарғиши сабабини англаб етганмиз. Тарихчилик касбини эгаллагач, «маҳалла активлари»дан қатағончилик сиёсати, жумладан, ундан қўлоқлаштириш даврида қандай фойдаланилганини билиб олдик.

Миллий давлатчилик ҳуқуқимизни тортиб олган мустамлакачи-совет ҳокимияти тарихимиз, тил, адабиёт, санъатимиз, динимиз, иқтисодиётимизни йўқ қилишда каттадан-катта «ютқуларга» эришди, улкан ва улғу салтанатларга асос бўлган юртимиз чегаралари, унинг тарихий-маъмурий бўлақларини ўзи билганча кесди, ямади, тарқатди. Бироқ қанча уринмасин, маҳаллани, 4000 йиллик тарихий-миллий-худудий бирлигимиз – ўзагимизни емира олмади.

Давлат мустақиллигимизни тиклагач, бошқа йўналишлар қатори маҳалланинг ҳам «кўкрагига шамол тегди», бутунлай янгича – демократия, бозор иқтисодиёти, фуқаролик жамияти шароитида жонлантириш имкони туғилди, мазкур борада қатор ишлар бажарилиб ҳам. Шу билан бирга, туриш-турмушимизнинг энг қуйи ва ҳал қилувчи бошқарув бўғини сифатида, маҳалла давлат ва жамиятимиз умумий идора тизимининг табиати ва йўриғидан четга чиқолмади. Чиқолмасди ҳам.

Эндиликда ҳокимнинг бир вақтинг ўзида маҳаллий кенгаши ҳам бошқарини аёнлашасига чек қўйиш, ҳокимларни сайлаш зарурати ҳақида сўз котмаган одам қолмади. Ваҳоланки, ушбу чиндан ҳам ўта муҳим масала тўғрисида ҳали у ҳеч кимнинг хаёлида бўлмаган, бўлганларида эса очик фикр билдиришга мажол йўқ 2016 йили биринчи бўлиб Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўзи айтган эди.

Миллий етакчимизнинг маҳалла оқсоқолини сайлаш маданиятимизнинг ижро ҳокимияти бўғинлари бошлиқларини сайлаш билан узвий боғлиқлигига доир фикрлари мағзини ҳали ҳам чақолганимиз йўқ, десак ҳақиқатни айтган бўламиз. Ҳолбуки, бу ерда жуда чуқур ва узоқни кўзлаган маъно бор.

Гап шундаки, халқимиз 3 минг йил ичида давлат бошқарувининг тикка қурилган тизимида ашаб келди. Унинг чораги кам бир асри (1917-1991) маъмурий-буйруқбозлик ҳукронлиги учига чиққан муҳитда ўтди. Ушбу сўнгги босқичда инсон учун ўта зарур барча ҳуқуқлар – сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳақлар паймол этилганини шароитида кечгани кўзда тутилса, мустақил тараққиёт давримизга қандай мерос билан қадам кўйганимиз аёнлашади.

Расман демократик, амалда эса мустамлака замонида қолган маъмурий-буйруқбозлик асосида ташкил этилган бошқарув тизимида маҳалла ўзгача иш тутолмаслиги турган гап эди. Жамоатчилик назорати бутунлай йўққа чиқарилгани, вакиллик идоралари «хўжа кўрсин»га тузилганини инобатга олсак, масала моҳияти янада ойдинлашади. Чорак аср ичида Тошкент – барча жиҳатлардан илғор ва ибрат бўлган пойтахт туманларида халқ вакилларини уюштириш керак бўлган кенгашнинг ўзи бўлмагани эса, кўп нарсага ишора, албатта.

Энг эски замонлардан маҳалла оқсоқолигига турмушнинг аччиқ-чучғини тортиб, бир ишнинг бошини тутиб, қўлидан бир нима келишини исботлаб қўйган, одамлар бошини қовуштириб, йўлга сола оладиган, обрў-эътиборли шахслар лойиқ қўрилган. Шундай фазилатларга эга етакчи одамлар ишонган, эргашган. Аммо маъмурий-буйруқбозлик устун, иждоқор, халқчил, киришимли, энг муҳими, замонавий билимларга эга, миллатсевар ва юртсевар бошқарувчиларнинг бозори касод, аксинча, «гаҳ» деса, қўлга кўнадиган, бир ишни қўйиллатмасга ҳам, бош устига, муомаласини ўрнига қўядиган, хушомадгўй, билимсиз, давлат менман, деган қарши қонқонига сингиб кетган муҳитда маҳалла ва унинг оқсоқоли умуман олганда бошқача бўлиши мумкин эмасди.

Бунинг оқибати ҳам яхши маълум: давлат ва жамият бошқаруви хос барча иллатлар ўзини-ўзи бошқариш табиатини ҳар ҳолда сақлаб қолган бирдан бир тузулма саналимиш маҳаллага ҳам кириб борди, ўрнашди, қўлоқ ёзди... Шу тариқа одамларда неча минг йиллик ўта муҳим бўғинга ва унинг бошқарувчиларига ишонсизлик туғила бошлади. Ўз қадрини билган унча-мунча одам оқсоқолликдан қочганини яширишининг энди ҳожаги ҳам, уяги ҳам йўқ. Ушбу шароитда, юзаки қараганда, кўримсиз бўлиб қолган, бироқ миллий бошқарув тизимида тенгсиз ўринга эга лавозимга тасодифий одамлар келиб қолиши табиий эди.

Маҳалла тузилмасига оид яна бир оғриқли жиҳат маҳалла идоралари билан боғлиқ бўлганини бугун секин-аста эсдан чиқаряпмиз. Ўз биносига эга бўлмаган, ижарада ўтирган кўмиталар азим Тошкентнинг ўзида анча-мунча бўлганига шахсан гувоҳимиз. Электр, сув, газ харажатларини қоплашга имкони йўқ оқсоқолларнинг маҳалладаги ишбилармонлар қўлига қараб, сўнг уларга қарам бўлиб қолгани-чи?

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: мустақиллик йилларида биз маҳалланинг неча асрлар давомида етилиб келган куч-қудратидан оқилонга фойдалана билдик? Агар гап 9300 га яқин маҳалла – замон қандай бўлмасин моҳиятини йўқотмаган, биргаликда ашаб омили ўлароқ туғилмаган ўзига хос тарихий-миллий муҳит ҳақида кетаётгани инобатга олинса, бой берилган вақтинг кўлама янада аёнлашади.

Миллий етакчимизнинг Янги Ўзбекистон босқичининг илк кунларидан бошлаб одамлар ишончи масаласига алоҳида ва тинимсиз ургу бериб келаётгани бежиз эмас. Негаки ишонч йўқ ерда, ҳаёт мазмуни йўқолади. Эндиликда оғиздан-оғизга ўтиб бораётган «қилса бўлар экан-ку», деган эътироф ишончининг тикланиб бораётгани, пойтахтдагина эмас, узоқ-узоқ қишлоқларимизда ҳам турмуш бутунлай ўзгача сифатга эга бўлиб бораётганидан далолатдор, албатта.

Утган беш йилда маҳаллаларимизда юз берган ўзгаришларни тарихий, дея баҳолаш керак бўлиши аниқ. «Обод маҳалла», «Обод қишлоқ» дастурлари доирасида йилма-йил бажариб келинаётган кенг кўламли ва манзилли ишлар натижасида электр, газ, сув таъминоти, ички йўллар қурилиши ва таъмири, болалар ва спорт майдончалари қурилиши, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини барпо этиш, таъмирлаш, маҳалла идораларининг замонавий биноларини яратиш, уларни маърифат марказларига айлантириш каби ўн йиллар ичида барчамизга ташвиш туғдириб келаётган ва ечими йўқдек муаммолар бартараф этилди ва этилмоқда.

Президентимиз ташаббуслари билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг тузилиши эса, ниҳоят, 4000 йил деганда, давлат ва жамият бошқарувининг маҳалладак ноёб нодавлат тузилмасига эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилганининг тасдиғидир. Янги вазирлик зарурати, умуман, тизим олдида турган вазифалар ҳақида тўхталган миллий етакчимизнинг «Маҳалла катта ижтимоий куч сифатида майдонга чиқиши керак», деган гапларининг туб аҳамиятини эса ўшанда тушунган тушунган, тушунмаганларда бугун тушуниш имкони бор.

Гап шундаки, замонавий бошқарув тизимида сайловлар орқали шакллантириладиган лавозимлар ҳақида сўз кетганда, биз одатда, Президент ва турли даражадаги депутатларни кўзда тутамиз. Ҳокимларни ҳам сайлаш мавзусига қўл урилганига эса энди беш йил бўлди. Тўғри, сайлаб қўйилмаган бошқа лавозимлар ҳам бор, масалан, вакиллик идораларининг ички тузилмалари, нодавлат ташкилотларда. Бироқ улар катта-кичиклигидан қатъий назар тегишли ҳудуд чегарасида

бўлиб ўтадиган сайловлардан фарқ қилади. Бизда эса бошқаруви худудийлик асосида бажариладиган ноёб тузилма бор – маҳалла. Бўлганда ҳам, юқорида айтилганидек, 9300 тага яқин. Ва, эътибор беринг, маҳаллалар тизими бутун Ўзбекистонни қамраб олади.

Бундан чиқди, маҳалла ўзгарса, бутун юрт ўзгаради. Шу маънода, Президентимиз томонидан 2022 йил – «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» деб эълон қилиниши ва бу шунчаки сиор бўлмай, чуқур ҳаётий мазмунга эгадир.

Ўзбек – уйим-жойим дейдиган халқ. Унга меҳмонхона ёки мусофирхонада яшаш ёт. Унинг учун ўз уйи – ўлан тўшаги. Уйи эса маҳаллада! Яъни, ўзбекининг отаси-ю онаси ҳам, боласи-ю чақаси ҳам маҳалла, бозори ҳам, мазори ҳам маҳалла! Турмушнинг йиллар ичра маҳаллада қайнаган ва қайнайд!

Шу билан бирга, бир ҳақиқатни ҳам тан олишимиз лозим: биз маҳаллага ҳам, динимиз, қадриятларимиз, урф-одатларимизга бўлгани каби, онгли равишда эмас, балки узоқ вақтлар шаклланган ва шакллантирилган тушунчалар эпкини остида муносабатда бўлиб келмоқдамиз. Яъни, биз унга маънавий жараён кечувчи муҳит, макон сифатида қараймиз. Миллий етакчимизнинг Янги йил кўтловида билдирган мана бу фикри эса бу борадаги «анъанавий» тушунчаларимизни ўзгартириш пайти келганидан далолат беради: «Инсон қадрини улуғлаш – юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш демократия. Бу борада жамиятимиз асоси бўлган маҳалла ҳал қилувчи урин тутайди».

Бундан чиқди, инсонни қадрлаш унинг ҳурматини ўрнига қўйиш, ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга эмас, балки унинг сиёсий манфаатларини амалда таъминлаш билан уйғунлиги масаласи кўндаланг қўйилмоқда. Ва, бу иш маҳалладан, ундаги фуолликдан бошланиши керак! Агар 2022 йил 1 январдан эътиборан бутунлай янги тизим – ҳар бир маҳаллада тadbиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилса, давлат ва жамият бошқарувининг Президентимиз томонидан яратилаётган бутунлай янгича, энг муҳими, миллий қадриятларимиз ва манфаатларимизга мос тизимнинг моҳияти ойдинлашади-қолади.

Бу ҳақида давлатимиз раҳбари: «Ҳозир кўпчилик бу тизим қандай ишлаганини англаб етмаяпти. Лекин мен бу янгиликни албатта татбиқ этаман. Чунки бизда шу пайтгача паства тутиш, бевосита халқ билан ишлаш тизими йўқ эди, бундан тан олишимиз керак. Янги тайинланган ҳоким ёрдамчилари уйма-уй юради, бемор борми, ишсиз борми, жиноятга мойиллар, уюлмаган ёшлар борми, ҳар бири билан астойдил шўғулландади», дедилар.

Демак, Янги Ўзбекистоннинг янги авлод бошқарувчилари илк ва бош бўғин – маҳаллада, ўзбекининг қувончи-ю ташвишлари, оғири-ю енгили, ютуғи-ю камчиликлари, яъни бутун борлиги мужассамлашган муҳит ва маконда синовдан ўтади, пишади, етилади. Агар мазкур тизимда ёшлар етакчисининг ҳам ўз ўрни бўлса, яъни Президентимиз айтганидек, ёрдамчилар ўртасида соғлом рақобат туғилиши ҳам кўзда тутилса, 9300 га яқин маҳаллада келгуси йилларда кечадиган жараённинг унумини бугунуноқ чамалаш мумкин бўлади: замонавий билим ва кўникмаларга эга, маърифат марказининг ҳавосини олган, ўз илдзини англаган ўн минглаб қорақўлларимиз юртимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий турмушининг турли бўғин ва йўналишларига кириб боради, давлат ва хусусий ташкилотларда етакчи қўлга айланади. Маҳаллаларимиз эса темирдек мустаҳкам бўлиб борар экан, миллатимиз ҳам темирдек тобланаверади.

Кутинг!

# 1888 та

**ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИГА ҲАЛИГАЧА ЖАВОБ ҚАЙТАРИЛГАНИ ЙЎҚ...**

**Хўш, сайловчи ваколат берган вакиллар талабини бир чақага олмайётганлар кимлар?**

Келгуси сонларда



2020 йили жаҳон миқёсига кенг тарқалган ва янги штаммлари билан ҳамон инсониятни хавотирга солаётган коронавирус пандемияси тўғрисида нафақат мамлакат миқёсида, балки аҳоли даромадлари ҳам сезиларли даражада қамрабди.

# ИСЛОҲОТ САМАРАЛАРИ



Тўлкин ТЕШАБАЕВ,  
халқ депутатлари  
Тошкент шаҳар  
Кенгаши депутати,  
Тошкент молия  
институтининг ректор  
иқтисодиёт  
фанлари доктори,  
профессор

Президент ташаббуси ва ғоялари амалда

# МИЛЛИОНЛАР ХОҲИШИ БИЛАН

Кейинги йилларда баркамол авлод тарбияси Янги Ўзбекистон сиёсатининг бош мезони айланди. Биринчи синф ўқувчиларига ўқув йили бошида Президент номидан совгалар топшириш, бошланғич синф ўқувчиларининг хорижий тилларни ўрганишлари учун қўлай шароитлар яратишга бўлган тизимли ишлар бу жараёнларнинг дастлабки натижалари сифатида қайд этиляпти.

Бунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган «Янги Ўзбекистон – мактаб оstonасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади» ғояси дастурамал бўлаётганини таъкидлаш жоиз.

Халқаро тадқиқотлар натижасига кўра, бошланғич синф ўқувчиларининг ўз вақтида овқатланмаслиги шомоллаш билан боғлиқ сурункали касалликлар ва суяклар ривожланишидаги муаммоларни ҳал қилишда асосий озиқ моддалар алмашишнинг рўй бермаслиги сабабли тана функциялари бузилиши аниқланган.

UNICEF тадқиқотларига кўра, 2019 йили Ўзбекистонда болалар орасида микроэ-

лементлар етишмовчилиги касаллиги кенг тарқалган аниқланиб, болаларнинг 15 фоизи анемияга, 50 фоиздан ортиги темир танқислиги ва 6 фоизи «А» витамини етишмовчилигига учраган. Бундан ташқари, 9 фоиз болаларнинг ўз вақтида овқатланмаслиги натижасида уларнинг бўй ўсишидан орқада қолиши, 2 фоизда эса озгинлик белгилари кузатилган.

Маълумки, 2020 йили жаҳон миқёсига кенг тарқалган ва янги штаммлари билан ҳамон инсониятни хавотирга солаётган коронавирус пандемияси тўғрисида нафақат мамлакат миқёсида, балки аҳоли даромадлари ҳам сезиларли даражада қамрабди. Шу сабабли болалар, айниқса, бошланғич синф ўқувчилари соғлом ўсишини таъминлаш, улар ўртасида турли касалликлар ривожланишининг олдини олиш мақсадида

ҳукумат томонидан болалар соғлигини муҳофаза қилиш ва мактабларда бошланғич синф ўқувчиларини тўйинтирилган рационга эга иссиқ овқат билан таъминлашга қаратилган дастур ишлаб чиқиши кенг муҳофаза қилинаётган эди.

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси лойиҳасида эса айнан ана шу масалаларнинг қамраб олинаётгани миллионлаб юртдошларимиз кўнгилдаги иш бўлди, дейиш мумкин.

Ушбу муҳим ҳужжат асосида 11 ёшгача бўлган болалар учун мақбул бўлган овқатланиш рационини кенг тарғиб қилиш, бошланғич синф ўқувчилари учун фойдаланиш иссиқ овқатланишни ташкил этиш лозим бўлади. Бундан мактабларда ҳафталик иссиқ овқатланиш тартиби ва таркибининг мавсумлардан келиб чиққан ҳолда белги-

лаб қўйилиши бошланғич синф ўқувчиларининг соғлом бўлишлари учун алоҳида аҳамиятга эга деб, ҳисоблайман. Бир вақтнинг ўзида мактаблар ҳудудида «носоғлом» овқатланишга йўл очадиган «фастфуд»ларнинг сотилиши ҳам қатъиян чекланса тўғри бўларди. Шунингдек, ота-оналар ушбу маҳсулотларнинг зарари бўйича тушунтириш ишларини олиб бурсалар олдимизга қўйилган мақсадга осонроқ эришардик.

Умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчиларини иссиқ овқат билан таъминлашнинг аҳамиятли жиҳатлари сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

– Бошланғич синф ўқувчиларининг мактабда овқатланиши бир хил муҳитнинг юзага келиши ва мактабда табақаланишнинг олдини

олишга олиб келади. Белгиланган рацион асосида ва соғлом овқатланиш имкониятининг пайдо бўлиши натижасида ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳам яхши томонга ўзгаради. Бу эса билимли ва баркамол авлод тарбиясидаги энг муҳим жиҳатдир.

Шунингдек, бу билан оила бюджети тежалади ва аҳолининг бошқа харид қувватлари ўсишига имкон яратилади.

Умумий овқатланиш бўйича бизнеснинг, хусусан, аутсорсинг хизматларининг ривожланиши асосида эса ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт таъминланади.

Энг муҳими, «Янги Ўзбекистон – мактаб оstonасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади» ғояси асосида амалга оширилаётган бундай ўзгаришлар бизни Учинчи Ренессансга яқинлаштиради.

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

## Марказ илк таҳсил олувчиларни қабул қилди



### Кеча

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида

электрон савдо платформаси орқали автомобилотранспорт воситалари ижара берилганда ижара шартномасини нотариал тартибда тасдиқлашни бекор қилиш;

болалиқдан ногиронлиги бўлган болаларга 18 ёшгача қараган даври ва болани парваришлаш вақтининг кўпи билан 6 йиллик даврни иш стажига қўшиб ҳисоблаш;


республика ҳудудидаги чекловлар даврида ёки ана шу давр тугаганидан кейин бир ой ичида пенсия таъинлашни сўраб мурожаат этган фуқароларга пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб пенсия таъинлаш;

тадбиркорлик фаолияти доирасида форс-мажор ҳолатларини тасдиқлаш ваколатини Савдо санъат палатасига бериш;

2022 йил 30 апрелга қадар ўсимлик ёғи, кунгабоқар ва зиғир уруғи, соя данагини олиб кириш, ўсимлик ёғи (пахта ёғидан ташқари) ишлаб чиқариш, шу билан бирга гушт (мол, кўй, товуқ), тирик ҳайвонлар (қорамол ва парранда) ва уларни сўйишдан олинган маҳсулотлар, картошкани ҳамда музлатилган балиқни реализация қилиш бўйича айланма ва уларни олиб киришни ҚҚСдан озод қилиш.

@farxod\_zayniyev

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ тасарруфидаги Муборак дала ўқув майдони негизда ташкил этилган Танк ва жанговар машиналар экипажларини тайёрлаш маркази ўзининг илк таҳсил олувчиларини қабул қилиб олди. Дарс жараёнларини бошлаш олтидан ташкил этилган тантанали тадбирга округ кўмондонлиги вакиллари, фахрий ҳарбийлар, бир гуруҳ ёшлар ва нурунийлар таклиф этилди.



Сўз олганлар барчани Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ташкил этилганлигининг 30 йиллиги шодийнаси билан табриқлаб, давлатимиз томонидан ҳарбийларга қаратилаётган юксак эътибор ҳақида тўхталиб ўтди. Шундан сўнг меҳмонлар дала ўқув майдонида яратилган

шарт-шароитлар ва таҳсил бериш жараёнлари билан танишди. Муборак дала ўқув майдони марказ фаолияти учун ҳар томонлама қўлайликларга эга. Ётоқхона, ошхона, кутубхона, ўқув хоналарининг тўлиқ жиҳозланганлиги назарий билимларни эгаллашда



муҳим саналса, саф тортиб турган юзлаб жанговар машиналар амалий билимларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шунингдек, сифатли таълимни таъминлаш мақсадида юқори малакага эга, билимли офицер ва сержантлар устоз сифатида саралаб олинган.

Таҳсил олувчилар мукамал тузилган дарс жадвали асосида ўқитилиши билан бир қаторда, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида ҳам режали тадбирлар белгилаб олинган.

Ўлмас БАРАТОВ,  
ЎзА

## Қуролли Кучлар давлат музейи — ҳарбий тарихимиздан сўзловчи маскан

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 30 йиллиги ҳамда 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Тошкент шаҳрининг Миробод туманидан бир гуруҳ фаол фуқаролар, фахрийлар ҳамда ёшлар Қуролли Кучлар давлат музейига саёҳат уюштиришди.



Дастлаб, "Ватанга қасамёд" монументининг зиёратидан бошланган саёҳат, музей экспозиция заллари бўйлаб давом этди. Экскурсия давомида тарихий экспонатлар, миллий армиямизнинг шаклланиши ва ривожланиш тарихи, танikli ҳарбий кўмондонларимиз, собиқ иттифоқ давридаги армия ҳамда қурол-яроғлар ҳақида маълумотлар бериб ўтилди. Меҳмонлар Амир Темур тарихига оид ва Қуролли Кучларимиз ўтмиши ҳамда бугунини ўзида жамлаган экспонатларни, айниқса, катта қизиқиш билан томоша қилишди. Ўқувчи-ёшлар кўрганлари ҳақида кўпроқ маълумот олиш мақсадида экскурсоводга юзланиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Шерзод ЭҒАМБЕРДИЕВ,  
Мудофаа вазирлиги  
Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар департаменти  
ходими



XX аср охири – XXI аср бошларига исломий банкларда кузатилган ўсиш кўрсаткичлари жаҳондаги адирик аънавий банкларнинг ҳам диққат-эътиборини тортди, уларнинг ҳам («исломий дарча») деб аталадиган муқобил хизматларни жорий этишларига туртки бўлганини унутмаслик керак

# ИСЛОМХОТЛАР ТАЛАБИГА

## мувофиқ келадими?

Иқтисодиёт ва молия тизими инсоният тамаддуни ва фаровонлигининг асосий негизларидан бири сифатида доимо янгилашиш ва ўзгаришларга эҳтиёж сезади. Бунда интеграция жараёнининг ўрни ва роли жуда муҳимдир. Айтиш мумкин, дунё иқтисодиётида исломий молия тармоғи инновацион молиялаштириш механизмларини ўзида жамлаган тизим сифатида жадал ривожланиб бормоқда.

**М**утахассисларнинг фикрига кўра, исломий молия муассасаларининг ялпи активлари миқдори йилига 15-20 фоизга ўсиб бормоқда. Бундай юқори кўрсаткич нуфузли молия институтларининг эътиборини ўзига тортаётгани ва улар ўз фаолиятини ислом молия тизими билан интеграциялаш борасида жиддий изланишлар олиб бораётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ислам ҳамкорлик ташкилоти кенгашининг 43-сессияси очилиш маросимида «Ислам олами улкан иқтисодий, инвестицион салоҳият, энергетика ресурсларига эга. Улардан тўғри фойдаланиш, Ислам ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг халқаро савдо-иқтисодий, молиявий, инвестицион ҳамкорлигини кенгайтириш, мамлакатларимизни бирлаштирадиган транспорт йўллари ташкил этиш юксак иқтисодий тараққиёт кўрсаткичларига эришиш имконини беради ва бу пи-

ровард натижада бошқа барча соҳаларнинг ривожланишида асос бўлиб хизмат қилади», дея таъкидлаган эдилар.

Дарҳақиқат, бугунга келиб мамлакатимизга исломий молиялаштиришга асосланган банклар, инвестиция фондлари ва компаниялар маблағларини жалб этиш ва уларни миллий иқтисодиётимизга фаол йўналтириш долзарб масала ҳисобланади.

Маълумки, исломий молия фойда ва зарарни бўлиши ҳамда реал активларга асосланган молиялаштириш ўзида намойён қилади. Бошқача айтганда, исломий молиялаштириш шерикчиликка асосланади. Бундай муассасалар миждоз талаби бўйича объектни куриб бериши, асбоб-ускуналар, товар, хомашёлар сотиб олиб бериши ёки уларни ижарага бериши мумкин. Бундай молиялаштириш тизими асосан савдо амалиётларига таянади. Аънавий банк тизимида эса банкларнинг савдо ама-

лиётларини амалга оширишига солиққа тортиш ҳамда банк фаолиятига тааллуқли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўсқинлик қилади.

Шу ўринда исломий молия индустрияси глобал молиявий активларнинг қарийб 1 фоизини ташкил этиши ва бу ресурслар 2002-2012 йилларда ҳар йили 20 фоиздан зиёдга ўсиб борганини айтиш жоиз.

XX аср охири – XXI аср бошларига исломий банкларда кузатилган ўсиш кўрсаткичлари жаҳондаги йирик аънавий банкларнинг ҳам диққат-эътиборини тортди, уларнинг ҳам «исломий дарча» деб аталадиган муқобил хизматларни жорий этишларига туртки бўлганини унутмаслик керак. Чунки исломий банклар фаол молиявий муҳитда ишлаши ҳамда бозорда рақобатбардошликни қўллаб-қувватлашга катта ижобий таъсир кўрсатиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Ўзбекистонда исломий молиялаштириш 2004 йилдан бошланган бўлиб, бу

Ўзбекистоннинг Ислам тараққиёт банки аъзолигига қўшилиши билан боғлиқ. Айнан шу йили Ислам тараққиёт банки томонидан энергетика ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун «ижара» ва «муробаха» шартномаларидан фойдаланилган.

Аслида Ислам тараққиёт банки Ўзбекистонда ўз фаолиятини сал аввалроқ, яъни мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ аҳолиси муслмон бўлган давлатларни қўллаб-қувватлаш дастури орқали бошлаган эди.

Исламий молиялаштириш Ўзбекистон иқтисодиёти учун янги йўналиш бўлиб, унга бизнес вакиллари тарафидан ҳам, аҳоли томонидан ҳам катта эҳтиёж мавжуд.

Лекин айтиш мумкин, бундай янги молиялаштириш соҳасининг жорий этилишига ҳақиқат берадиган бир қатор омиллар ҳам мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди. Мисол учун, аҳолининг бу борада етарли тажриба ва билимга эга эмасли-

ги, банк ва молияга оид қонунчиликнинг етарли даражада такомиллашмагани, муслмон мамлакатларда шариат меъёрларининг бир хилда талқин этилмаслиги, исломий молиялаштириш соҳасида малакали мутахассисларнинг етишмаслиги шулар жумласидандир.

Албатта, исломий молия ёки шерикчиликка асосланган банк саноатини ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш орқали бу мамлакатга ечим топиш мумкин. Бу эса глобаллашув жараёнида ортида қолмаслик учун мустаҳкам замин яратади.

Маълумки, 2021 йилнинг сентябрь ойида Тошкентда Ислам тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 46-йиллик йиғилиши бўлиб ўтди. Унда банкнинг Ўзбекистон билан амалий ҳамкорлик портфели бугунги кунда 2,5 миллиард доллардан ортиқни ташкил этиб, транспорт, уй-жой коммунал инфратузилма, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, соғлиқни

сақлаш, таълим, тадбиркорлик ва бошқа устувор йўналишлар бўйича 30 та йирик лойиҳалар амалга оширилаётгани таъкидлаб ўтилди.

Кўриниб турибдики, ушбу йўналишдаги ҳамкорлик ҳар икки томон учун ҳам бирдек манфаатли. Ана шу эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкин, 2022-2025 йилларга мўлжалланган янги ҳамкорлик дастурига мувофиқ катта кўламдаги ишларни амалга ошириш ҳамда Тошкент шаҳрида Ислам тараққиёт банкининг тўлақонли ваколатхонасини ишга тушириш, молиялаштириш инструментлари самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистонга қўшимча капитал кириб келишига ҳамда муқобил молиялаштириш механизмларининг ишга тушишига замин яратади.

Нодиржон НАЗАРОВ,  
Тошкент молия институти магистранти

Қутлаймиз!

## Ўз сўзи бор журналист

2004 йилнинг баҳори эди. Оғир иқтисодий шароитга тушиб қолган сиёсий партия нашрини сақлаб қолиш масаласи кун тартибда турарди. Шунда партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Хуршид Дўстмухаммад томонидан «Миллий тикланиш» ижтимоий-сиёсий газетаси учун масъул муҳаррирликка Дилмурод Қирғизбоев номзоди таклиф этилди...

Орадан кўп ўтмай ойда бир марта аранг чоп этилаётган газета ҳар ҳафтада мунтазам чиқа бошлади. Бир-икки ойдаёқ адади ҳам уч баробарга кўпайди. Энг асосийси, муаллифлар ўз мақолалари учун яхшигина қалам ҳақи ола бошладилар.

Ушанда «Миллий тикланиш» демократик партияси раиси Иброҳим Ғофуров партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракцияси йиғилишларидан бирида «Дилмуродни бизга Худо етказди», дегани кечагидек ёдимда. Шунинг алоҳида қайд этишим мумкин, ўша даврлар сиёсий фаолиятимиздаги унутилмас даврлар эди. Иброҳим Ғофуров, Ўткир Ҳошимов, Акмал Саидов, Зокиржон Машрапов, Хуршид Дўстмухаммад, Наим Каримов, Қаландар Абдурахмонов, Ойдин Ҳожиева, Шарифа Салимова, Раъно Зарипова, Мунира Қориева каби таниқли адиб ва шоирлар, сиёсатчи ва журналистлар билан бир сафда ижод қилдик. Биз партия фаоллари ўшанда ўз гоё ва тақлифларимиз билан партия газетасида мунтазам равишда ўз мақолаларимизни эълон қилиб борардик.

Дилмурод Қирғизбоев эса раҳбарлик, ташкилотчилик, жамоа аъзоларини бошини қовуштириш маҳорати билан ўзини кўрсатди. Таҳририятга ижодкор ёшларни таклиф қилди. Миллий университет қошида ташкил этилган Олий адабиёт курсида таълим олаётган Муҳаммад Сиддиқ, Зумрад Ваҳובהва, Гулбаҳор Ортиқхўбаева,

Ўлмас Хўжаев каби ёш ижодкорларни ишга олди. Уларга ижод қилишлари учун муносабат шартини яратиб берибгина қолмай, ёзган мақолалари, шеърлари ва ҳикоялари билан газета саҳифаларида мунтазам иштирок этишларини рағбатлантириб борди. Уларга устозлик қилди.

Дилмурод ака кўнгли очик, дўстларга оқибатли ва уларга яхшилик қилиб чарчамай диган журналист. У билан суҳбатлашсангиз, албатта ота-онасига, устозларига муҳаббатни қанчалик кучли эканига амин бўласиз. Айниқса, ўзбек тили ва адабиёти муаллими бўлган, Навоийни илоҳий устози деб билган шоир отаси Кенжабой Қирғизбоев, устозлари Мақсуд Қориев, Неймат Ёқубовлар ҳақидаги мақолаларини ўқисангиз таъсирланиб кетасиз...

1984 йил бошларига Дилмурод Қирғизбоев ҳали талабалик пайтидаёқ, яъни Тошкент давлат университетининг журналистика факультетининг бешинчи курсида ўқиб юрганда бахтли тасодиф туфайли машҳур Бош муҳаррир Мақсуд Қориев назарига тушади. «Совет Ўзбекистони» газетасига иш ўрганувчи муҳбир сифатида ишга қабул қилинади. Уша пайтлари салкам бир миллион ададда чоп этиладиган газетани ишлаш талаба-журналист учун гўё ушалмас орзу эди.

Шу тариқа Д.Қирғизбоев мусафҳихликдан Бош муҳаррирликкача бўлган машаққатли йўлни босиб, «Ўзбекистон овози», «Халқ



сўзи», «Қишлоқ ҳаёти», «Адолат», «Миллий тикланиш» каби нуфузли нашрларда хизмат қилди. Юзлаб очерк ва фельетонлар ёзди. Публицистик чиқишлари билан танилди.

У асосан «Журналист текшируви» рукни остидаги таҳлилий-танқидий мақолалари билан ўқувчилари тилига тушганини эса алоҳида таъкидлаш жоиз. «Гипократнинг қарғиши урсин», «Тўянинг юки енгил бўлса», «Уй жойлари ой-ой, кўчалари вай-вой», «Қонунни биласизми, ҳоким жаноблари», «Олибсотар бозорларнинг тўрида, дехқонбобо растаннинг пойида», «Фирибгар домга илинган судья» каби танқидий таҳлилий мақолалари жамоатчилик орасида шов-шувга сабаб бўлди.

Дилмурод Қирғизбоев 2010 йилда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси таъсис этган «Ийланг энг

фаол журналисти» кўриктанови ғолиби ҳамдир.

Эсимда, «Миллий тикланиш» газетасида «Устоз отангдек улуғ» сарлавҳаси остида наманганлик таниқли олим, давлат ва жамоат арбоби Носир Отахоновнинг фозилларга хос ҳаёти ва устоз-шоғирдлик аънавали учун хусусида Дилмурод Қирғизбоевнинг очерки эълон қилинган эди. 2014 йилда эса ушбу очерк Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг «Адиб» нашриётида китоб ҳолида «Чинор шоҳидидаги синчалак» номи билан нашр этилди. Ушбу рисолада бу дунёдан аймон ва эзгу амаллар билан илм-маърифат излаб, мудом яхшиликларга шошилиб, ўзидан гўзал хотиралар қолдириб кетган олим Носир Отахонов ҳаёти, фаолияти ва у ҳақидаги хотиралар баён этилган.

Дилмурод Қирғизбоевнинг «Кийган тўнинг эскирар, кий-

дирганинг эскирмас» деб номланган публицистик мақоласида эса қувалик машҳур тадбиркор Иброҳим ота Каримов ва жияни Муродил Ҳайдаровнинг камбағалпарварлиги ва савоатпешаликлари ҳақида сўз юритилган. Кейинчалик муаллиф «Ҳазон бўлмас баҳорим бор» деб аталган китобида қувалик тоға жиян тадбиркорларнинг эзгу амаллари ҳақида ҳикоя қилди.

Янги йил арафасида Дилмурод Қирғизбоев билан суҳбатлашганимизда «насиб этса газета-журналларда эълон қилинган очерк ва хотираларимни жамлаб, «Ҳазрати инсонлар» номли китоб чиқармоқчиман», деб гурурланиб гапирди.

Чиндан ҳам Дилмурод ака журналистикадан бахт топан инсонлардан бири. Ҳозир у Республика Касаба уюшмаси Федерацияси муассислигидаги «Ишонч» газетасида ишлапти. Устоз журналист Дилмурод Қирғизбоевнинг олтинчи йиллик шукрона кунларида унинг ижодий фаолиятига бир назар ташладиқ, холос. Мақоламизни устозимиз Хуршид Дўстмухаммаднинг ушбу эътирофи билан якунламоқчиман. «Дилмурод Қирғизбоев миллий матбуотчилигимизда ўз сўзи ва ўз ўрни бор журналист».

Олимжон ЎСАРОВ,  
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси,  
«Миллий тикланиш» демократик партияси аъзоси



# ҚОЗОҒИСТОН

# ҲОЖИАСИ

**10 январь Қозоғистон тарихидаги энг аламли кунлардан бирига айланди. Шу куни мамлакатнинг турли ҳудудларида ўз ватани озодлиги ва халқининг ҳимояси йўлида қурбон бўлганларнинг дафн маросимлари ўтказилди. Тартибсизликлар пайтида ҳалок бўлган ҳарбийларнинг дафн маросимлари эса ижтимоий тармоқлар орқали тўғридан-тўғри эфирга узатилди.**

Бу билан гўёки саккиз кун аввал бошланган ва 19 миллионли мамлакатни қамраб олган намоийшларнинг оғир оқибатлари бутун дунёга намоийш этилгандек бўлди.

Айрим ОАВлар бузғунчи кучлар юзага келтирган тартибсизликларда 164 киши вафот этганини, 8 мингга яқин киши қамоққа олинганини маълум қилмоқда.

Бошқа манбаларда эса мамлакат иқтисодиётига улкан ҳисса қўшган, янги иш ўринлари яратиб, миллий бо-зорни ривожлантирган мулкдорларга 200 миллион доллар атрофида моддий зарар етказилгани айтилаётди.

Ҳа, чиндан ҳам Янги йил ара-фасида Қозоғистон аҳли, умуман Марказий Осиё халқлари кутилмаган нотинчликларга гувоҳ бўлдилар.

Марказий Осиёнинг анчайин ривожланган давлатида бундай ҳолатнинг юз бериши чиндан ҳам кутилмаган ҳолат эди.

Эътибор беринг: 2 январда Манғистов вилоятининг Жана-озен шаҳрида суюлтирилган газ нархининг икки баробардан кўпроққа, яъни 50 тенгедан 120 тенгеге кўтарилгани оқибатида бир гуруҳ аҳоли оммавий на-моийшларга чиқади ва...

Гарчи ҳукумат икки кун ичида газ нарҳини 50 тен-гега камайтирса-да, аланга учкунлари аллақачон мамла-катнинг бошқа ҳудудларига ёйилиб бўлган. Шу ўринда намоийшчиларнинг иккинчи кунёқ иқтисодий талаблар-дан сиёсий талабларга ўтгани, номаълум шахслар томони-дан намоийшчиларга қурол тарқатилиб, тартибсизликлар қуролли тўқнашувларга айлан-тирилганини айтиш жоиз.

4 январда Олмаота шаҳрида, 5 январдан бошлаб эса бошқа вилоятларда намоийшлар кучая бошлади. Вазият шу қадар чигаллашдики, оқибатда намоийшчилар талаби асосида Қозоғистон ҳукумати истеъфо-га чиқарилди, мамлакатнинг Биринчи Президенти Нурсул-тон Назарбоев Хавфсизлик кенгаши раиси лавозимидан озод қилинди. Амалдаги Пре-зидент норозиликлар қуролли тўқнашувларга айланиб ке-таётганини, вазият тобора мураккаблашаётганини кўриб, Коллектив хавфсизлик шар-тномаси ташкилоти (КХШТ)га ёрдам сўраб мурожаат қилди. Бор йўғи бир кун ичида мамла-катга кириб келган Россиянинг тинчликпарвар кучлари эса тездан стратегик жиҳатдан ўта муҳим саналган сиёсий, ижти-

мой объектларни қўриқлашга киришдилар.

Сўнгги маълумотларга қараганда, Қозоғистондаги тар-тибсизликларда 2200 нафар-дан ортиқ киши турли даража-да тан жароҳати олган.

Норозиликлар авж олган кун-ларда жаҳон оммавий ахборот воситалари, айниқса, "ит эга-сини танимайдиган" ижтимоий тармоқларда 1991-1992 йиллар-да Грузияда содир бўлган рево-люциядан тортиб, Тўжикистон воқеаларигача, Озарбайжон ва Арманистон ўртасида юзага келган Қорабоғ урушларидан тортиб, 2003 ва 2004 йилларда Грузия ва Украинада юз бер-ган тартибсизликларгача ёдга олинди.

Ҳатто қардош қирғиз халқининг 2005 ва 2010 йиллар-да бошидан ўтказган беҳаловат кунларгача эсга олинди.

Шу воқеалар асосида тур-ли фаразу таҳминлар бил-дирилиб, ҳар қандай воқеа-ҳодисалардан энг кўп азият чеккан оддий одамлар экани қайта-қайта тақдорланди.

Ҳақиқатан ҳам уруш томоша-бинга осон, деган гап бор. Агар собиқ иттифоқ давлатлари-нинг кейинги 30 йиллик тарихи чуқурроқ таҳлил этилса, 10дан зиёд турли номлар билан аталган революциялар содир этилгани маълум бўлади. Энг ёмони, бугун ҳам ана шундай тартибсизликлар олови асосан оддий одамлар, айниқса, ҳали онги шуури шаклланиб улгур-маган ёшлар умрини хазон қилаётгани таъкидланмоқда.

10 январь куни Қозоғистон миллий хавфсизлик қўмитаси Олмаота, Қизилўрда, Толдиқўрғон ва Терозедаги барча маъмурий бинолар на-моийшчилардан тозаланганини маълум қилди.

Нурсултон шаҳрида эса ҳарбийларга волентёрлар ёр-дам бераётгани айтилмоқда.

Шу ўринда 9 январь куни Қозоғистон Ахборот вазирлиги телеграм каналида юз берган тартибсизликларда жами 164 киши ҳалок бўлгани, ундан олдинроқ эса 16 нафар куч ишлатар тузилмалар ходими, икки нафар ҳарбий, 26 нафар "қуролли кишилар" ва 10 нафар бола ҳалок бўлгани маълум қилинган.

ОРДА сайти тарқатган маъ-лумотларга кўра, 10 январь ҳолатига юз берган тартиб-сизликларда иштирок этган 7939 киши ушланган. Улар орасида бошқа мамлакат-лар фуқаролари борлиги ҳам айтилмоқда.

Ҳар қандай офатга,

инқироз ва тартибсизликларга қарамай 10 январдан бош-лаб, Қозоғистонда яна тинч ҳаётнинг илк насимлари эса бошлаганини айтиш жоиз.

Биринчи хушxabар сифатида Қозоғистондаги энг йирик Nalyk BANKнинг 297 та бўлими иш бошлагани маълум қилинди.

Orda.kz, шунингдек, Тол-гари томонидан Олмаотага кириш йўлидаги блокпост олиб ташлангани, Москвадан Нур-Султонга биринчи самолёт маҳаллий вақт билан 10:35да қўнгани таъкидланди.

Аммо ана шундай ўзгаришларга қарамай, Қозоғистон мотам либоси-ни ҳали бери ечадиганга ўхшамайди. Чунки ушбу мақола таёйёрланаётган пайтда мамла-катдаги айрим сайтлар Жамбил вилояти полиция департаменти раҳбари Жанет Сулаймонов-нинг ўз жонига қасд қилганини хабар қилдилар.

Президент Тоқаев эса намоийшлар натижасида Қозоғистонга етказилган жами зарар 2-3 миллиард АҚШ долларидан иборат эканини билдирди. Шунингдек, давлат раҳбари юз берган намоийш-ларни террорчилик ҳужуми деб атаб, унда Марказий Осиё, жумладан, афғонистонлик хорижий жангарилар иштирок этганини, Қозоғистонга қарши янги ташкиллаштирилган агрессияда Яқин Шарқдан ҳам жангарилар қатнашишганини таъкидлади.

Маълумки, юз берган фожиа-лар сабаб мамлакат ҳукумати тўлиқ алмашди, айбдорим, айбсизми минглаб ёшларнинг тан жароҳати олгани, қанчадан-қанча ҳарбийлар, ички ишлар ходимларининг ҳалок бўлгани қозоқ миллатининг энг катта фожиаси деб атала бошланди.

Халқимизда тинч элнинг боги гуллар, деган гап бор. Ушбу мақолани қозоғга туширялману, 1989 йили Фарғонада юз берган воқеаларни эсладим. Ушанда Фарғонага СССР Олий совети раиси Н.Рижков, ишлар вазири Бақатинлар келиб, шаҳардаги энг катта футбол стадионида рус тилида сўзлашувчи аҳоли билан учрашганлари кечаги-дек ёдимда. Уша воқеалар, нотинчликларни эслаб, қардошларимиз юртида юз берган фожианинг қанчалар оғрикли ва аламли эканини ҳис этаман.

Айтиш жоизки, Қозоғистон фожиаси мамлакатнинг жаҳон миқёсидаги обрў эътиборю, нуфузи ҳам таъсир этди. Тасаввур қилинг, катта бир ой-лажа айрилиқ, мотам садолари

янграётган бир пайтда бошқа бир юртнинг айрим сиёсатчи-лари уятсизларча бошига дард тушган халқ ерини, унинг ер ости бойликларини эгаллаш, уларга эга чиқиш ҳақида га-пирганларини қандай тушуниш мумкин?

Аравани от тортар, кўланкасини эса ит, дейишади. Ана шундай фожиали кунларга қарамай, айрим валломат-лар собиқ СССРни тиклаш тўғрисидаги эски иддаоларни ҳам эслай бошладилар. Яъни, кимдир Ватани, халқининг тинчлиги учун кўз ёш тўкаётган бир пайтда дунёнинг бошқа бир ҳудуддаги бошқа бир мил-лат вақти Қозоғистоннинг ер ости бойликларини орзу қилаётганини кўрди.

Шу ўринда Қозоғистон фожиа-сининг оғир оқибатлари дунё халқларини уйлантираётган, уларда ҳамдардлик туйғуларини жўш урдираётган бир пайтда нафақат Қозоғистон, балки Марказий Осиё ва унинг хавф-сизлиги масаласи ҳам айрим сиёсатдонлар учун бош мавзуга айланиб қолди, дейиш мумкин.

Буни кутилмаганда Беларусь Президенти жаноби Лукашен-конинг Ўзбекистоннинг хавф-сизлиги учун анчайин куйиниб айтган гапларидан ҳам сезиш мумкин.

Маълумки, оддий одамлар-даги каби ҳар қандай миллат ва элатнинг ҳам ўзига хос характери бўлади. Характер эса минглаб йиллар давомида шаклланади, авлодларидан ўтиб келаётган фазилати, ху-сусликларини, кўникмалари ва ҳатто яхши-ёмон тажрибалари таъсирида сайқалланади.

Тарих гувоҳки, Ўзбек халқи туркийларнинг энг кўп давлат қурган ва давлатчилигини мардонавор ҳимоя қила олган бўғинларидан бири бўлиб, сиё-сатни, сиёсий мулоқотни теран англаб, яхши тушунадиган, ўз эрки ва озодлигини ҳимоя қила оладиган халқдир. Озодлик нима эканини, унинг қадрини билгани учун ҳам у ҳеч қачон ўз озодлиги билан савдолаш-маган.

Шу маънода, жаноб Лука-шенконинг Ўзбекистонга бер-ган қимматли "маслаҳати" гўё олти ёшли боланинг отахонга насиҳатидек туюлди. Буни эса бизда аслида беодоблик дейи-шади.

Айтиш мумкинки, доимо Россиянинг энг нозик дас-турхонларида ҳозир нозир бўладиган Беларусь бугунги шиддатли ўзгаришлар даврида ҳеч нарса йўқотаётгани йўқ, аксинча йўқотиб қўйган отасини

топиб олган болакайдек бах-тиёр юрибди. Тан олиш керак: Қозоғистон воқеалари айрим сиёсатдонларнинг "меҳрга тўла тинчликпарварлиги" замирида-ги асл муддаони ҳам кўрсатиб қўйгандек бўлди.

Буни Россиянинг турли дара-жадаги сиёсатчилари томони-дан, ҳеч тортинмасдан "...нега Қозоғистоннинг нефть, газ ва ер ости бойликлари хитойлик, америкалик ва европалар томонидан ишланиши керак, биз билан эмас", деган савол-ларидан ҳам ўқиб олиш қийин эмас. Аммо айрим таҳлилчилар бундай саволлар жуда қисқа вақт ичида расмий доираларга кўчиб ўтмасида, деган хавотир-ларни ҳам билдира бошлади-лар.

Шуни алоҳида қайд этиш-ни истардикки, айна пайтда мустақил Ўзбекистон ҳеч кимнинг маслаҳати ёки ўғитига муҳтож эмас! Кимдан маслаҳат керак бўлса ўзимиз сўраб ола-верамиз.

Лукашенко айтганидек, хуло-сани кучлиларнинг оёғига бош уриб эмас, халқ ва ҳокимиятни Ўзбекистон учун бирлашиш йўлида чиқаришимиз кез-рак. Биз интилаётган яхши ҳаёт факат озод Ватанимиз – Ўзбекистондагина ярати-лади. Шунинг учун ҳам турли фитналарга эътибор қаратиб, қимматли вақтимизни беҳуда сарфламасдан, эркинлигимизга босим қилиши мумкин бўлган ҳар қандай шубҳали сиёсий, иқтисодий, ҳарбий блоклардан узокроқ масофада бўлишимиз, яқин, узоқ кўнчилар ва мақсади очик бўлган ҳамкор давлатлар билан эса манфаатимизга мос бўлган муносабатларни ривож-лантиришда давом этавериши-миз керак.

Кун келиб, Қозоғистон фо-жиасининг асл сабаблари, ушбу жинояткорона сценарий муа-лифларю, унинг режиссёрлари маълум бўлар. Мамлакатнинг минг бир азоб уқубатлар, қанча куч ва имкониятлар сарфланиб тикланган обрў-эътибори яна қайта тикланар. Шикаст этган бола, иншоотлар ўрнига бошқа, замонавийлари бунёд этилар. Аммо энди қозоқ халқи фидойи фарзандларининг хазон бўлган умрини қайтариб бўлмайди.

Шунингдек, Қозоғистон воқеалари ким аслида дўсту, қим душман экани ҳақида ҳам чуқурроқ ўйлаб кўриш лозим-лигини англагандек бўлди. Зеро, чин дўст ҳам, душман ҳам оғир кўнрсати асл қиёфасини кўрсатиб қўйаркан.

Умид АРСЛОНБЕКОВ

## Ватан соғинчи

Эркин Воҳидов

Қай олий маконга сафар қилмайин  
 Қай йироқ соҳилга элтмасин қисмат,  
 «Ассалом алайкум!» дея жилмайиб  
 Бир ўзбек қондошим қаршилар албат.

Бизлар Коломбога кўнганда сахар,  
 Илк бор у қаршилаб парвона бўлди.  
 Шунда рутубатли, бадбўй бу шаҳар  
 Кўзимга чарақлаб Фарғона бўлди.

Мадорасда тилмоч ул ўзбекзода  
 Баробар сўзларди саккиз тилда ҳам.  
 У оқ халат қийиб дорушифода,  
 Афғон боласига кўярди малҳам.

Нур қасрини тиклаб Фурот узра у  
 Араб хонасига ёқарди кўёш.  
 Пахта ўстирарди Нилдан олиб сув,  
 Қалбида Африқо филича бардош.

Мисрда Юсуфдек бўлиб кўринди,  
 Яманда у менга туюлди Хотам.  
 Бу аён туйғудир – на қилса энди  
 Оловдек ташланар кўзга ўз одам.

Букун олис йўлдан қайтганим чоғда  
 Илк сатримда сизни қилдим муқаррар –  
 Эй, сиз, жондошларим, юртдан йироқда  
 Юртнинг хизматига боғланган камар!

Биламан, не азоб юки ҳижроннинг,  
 Не дарддур ой-йиллар бўлмоқ интизор.  
 Биламан, соғинчи Ўзбекистоннинг  
 Кўзингиз тубида ҳамиша бедор.

У жаҳон ичида битта жаҳондир,  
 Бир кўрган умрбод қилгуси ҳавас.  
 Ернинг тортиш кучин енгмоқ осондир,  
 Она-Ер меҳридан узилиб бўлмас.

Дўстларим, ҳар қайда бўлинг саломат,  
 Омон қайтинг уйга олис макондан.  
 Тилагим, ҳеч қачон, ҳеч қачон қисмат  
 Бизни айирмасин Ўзбекистондан.

.....  
 Мен нечун севаман Ўзбекистонни

Абдулла Орипов

Мен нечун севаман Ўзбекистонни,  
 Тупроғин кўзимга айлаб тўтиё.  
 Нечун ватан, дея еру осмонни,  
 Муқаддас атайман, атайман танҳо.

Аслида дунёда танҳо нима бор?  
 Пахта ўсмайдими ўзга элда ё?  
 Ёки кўёшми севагимга сабаб?  
 Ахир кўёшли-ку, бутун Осий.

Мен нечун севаман Ўзбекистонни,  
 Боғларин жаннат, деб кўз-кўз этаман.  
 Нечун ардоқларкан тупроғини мен,  
 Упаман, тупроғинг бебаҳо, Ватан!

Аслида тупроқни одил табиат,  
 Тақсим айлаган-ку, ер юзига тенг  
 Нечун бу тупроқ, деб йиғлади Фурқат,  
 О, Қашқар тупроғи, қашшоқмидинг сен?

Мен нечун севаман Ўзбекистонни?  
 Сабабини айтгин, десалар менга.  
 Шоҳрона, гўзал сўзлардан олдин,  
 Мен таъзим қиламан она халқимга:

Халқим, тарих ҳукми сени агарда,  
 Мангу музликларга элган бўлсайди,  
 Қорликларни макон этган бўлсайдинг,  
 Меҳрим бермасмидим ўша музларга?

Ватанлар, Ватанлар,  
 Майли, гулласин,  
 Боғ унсин мангулик музда ҳам, аммо,  
 Юртим, сени фақат бойликларинг чун  
 Севган фарзанд бўлса, кечирма асло!

.....  
 Она элим

Ҳалима Худойбердиева

Она элим дўстингга дўсту  
 Душманингга хавфу хатарман,  
 Жилғалардай чулдираб ўсдим,  
 Илдизингдан келган хабарман.

Ёнган они ё сўнган они  
 Кетган борми меҳрингга қониб,  
 Тонготарда сен деб уйғониб,  
 Кунботарда сен деб ботарман.

Болам дедин ҳар қоримда ҳам,  
 Қувончиму озоримда ҳам,  
 Бир кун... бир кун мазоримда ҳам  
 Сени суйиб ўйлаб ётарман.

Сув сўрасам сен узатдинг бол,  
 Бир гунчанг ҳам кетмасин увол.  
 Билмагин деб тоабд завол  
 Боғларингга бўйлаб ётарман.

Камон, ўқли бўлгин, бўлма кам,  
 Гўдақларинг кўрмасин деб ғам,  
 Ёнимдаги шерикларга ҳам  
 Пичир-пичир сўйлаб ётарман.



## Тарих ва тақдир

### Ушбу қабр кимники, биласизми?

Бобомиз Ҳусайн Бойқаронинг қабри!  
 Ҳа, ҳа ўша адабиётни севувчи, Навоийнинг дўсти, илм аҳлини қадрловчи, юртни Навоий бобомиз билан обод қилган, аммо ҳар-хил ёнидаги ғаламисларнинг фиску фасоди туфайли жабр кўрган шох Ҳусайн Бойқаронинг қабри!  
 Бир пайтлар ушбу қабр устида Тожмаҳалдан ҳам чиройли мақбара бўлган!  
 Уни англизлар портлатган!  
 Манбаларда Ҳусайн Бойқаронинг мутлақо май ичмагани, дин ақоидларига тўлиқ риоя қилганлиги

ҳақида айтилсада, аммо совет даврида олинган бадиий фильмларда бобомиз номини қора қилишга уринишган!  
 Ҳатто қабр очилганда кафан йиртилиб, қабр деворлари тимдалангани, қабрдан чиқишга уриниш бўлганлиги ҳақида фактлар бор!  
 Демак, бобомиз тириклай кўмилган!  
 (Клиник ўлим бўлган бўлиши ҳам мумкин!)  
 Сиз кўраётган сурат ниҳоятда ноёб!

Дилдора ҲАСАНОВА,  
 журналист.



## Халқаро ҳаёт



**АҚШ  
 рекорд  
 ўрнатди**

Жаҳон ОАВда қайд этилишича, ўтган кунни дунё бўйича 3 миллион 200 минг киши коронавирус юқтирган бўлса, 10 январда бу кўрсаткич деярли 1 миллион 400 тага етган.

туфайли юзага келганини таъкидлашмоқда. Яъни, бу ерда 9 январда 315 минг одам COVID-19ни юқтирган бўлса, 10 январда бу кўрсаткич деярли 1 миллион 400 тага етган.

@platformauzb



**Р**оссияда тезликни оширганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги қонун кучга кирди.  
 Ушбу чора тезликни соатига 60 км ва ундан ортиқ оширган, қарама-қарши йўналишда, шунингдек, трамвай йўлига қарши ҳаракатланганларга нисбатан қўлланилади.  
 Айбдор шахс 200 000 дан 300 000 рублгача жаримага тортилади ёки бир йилдан икки йилгача бўлган даромад миқдориде, унга 400 соатгача бўлган мажбурий меҳнат ёки икки йилгача озоқликдан маҳрум қилиш жазоси таъинланганлиги мумкин.  
 Хукумбозар уч йилгача муайян лавозимларни ағаллаш ёки муайян феолият билан шугулланиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум қилинганлиги мумкин.

## Қор ғанимлик қиляпти



Покистоннинг шимоли-ғарбида қалин қор ёғиши ва кучли жала оқибатида 35 киши ҳалок бўлган, тахминан 30 киши жабр кўрган.

«The Nation» газетасининг ёзишича, Панжоб вилоятида баланд тоғ йўлларида қалин қор ёғиши 23 нафар сайёҳнинг ўлимига сабаб бўлган, уларнинг қўлимаслиги сабаб бўлган, уларнинг ҳам борлиги айтилмоқда. Улар автомобиллар ичида бўлган.  
 Ўтган ҳафта дам олиш маскани ҳисобланган Мурри шаҳрида мингдан ортиқ машиналар қалинлиги икки метр келадиган қор остида қолиб кетганди. Покистон ҳарбий хизматчиларининг кутқарув амалиёти натижасида душанба кунини йўллар тозаланди ва транспорт ҳаракати тикланди.

Жабрланганларга ёрдам кўрсатилган, юзлаб одамлар вақтинчалик қўналғага жойлаштирилган.  
 Покистон бош вазири Имран Хон одамларнинг ўлимида Мурри тумани маъмуриятини айблади.  
 «Текиширув ўтказишга ва бу каби фожиаларга йўл қўймаслиги учун қатъий тартиб ўрнатилишига буйруқ бердим», – деб ёзади ҳукумат раҳбари Twitterда.  
 Покистоннинг шимоли-ғарбидаги Хайбер-Пахтунхва вилоятида эса яқинда кунни кучли жала қуйган, натижада камида 12 киши ҳалок бўлган, тахминан 30 киши жабрланган. Маҳаллий ҳокимият табиий офат юз берган ҳудудга озиқ-овқат ва дори-дармон жўнатгани айтилмоқда.

«МИЛЛИЙ  
 ТИКЛАНИШ»  
 ДЕМОКРАТИК  
 ПАРТИЯСИНИНГ  
 ИЖТИМОЙ-  
 СИЁСІЙ  
 ГАЗЕТАСИ

### ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,  
 Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПЎЛАТОВ,  
 Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,  
 Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Минхожиддин МИРЗО,  
 Нодир МУХТОРОВ, Одиложон ТОЖИЕВ, Отабек ЖИЯНБОВЕВ,  
 Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортикали ҚОЗОҚОВ,  
 Феруза МУҲАМЕДЖАНОВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,  
 Шерзоҳон ҚУДРАТХЎЖА, Шавкат ШАРИПОВ,  
 Шухратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир:  
 Миродил АБДУРАҲМОНОВ

### ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,  
 Учтепа тумани,  
 Мақсул Шайхзода  
 кўчаси, 1 А-уй.  
 Газета таҳририят  
 компьютер  
 марказида терилди  
 ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри  
 таҳририят нуқтаи  
 назаридан фарқ  
 қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий  
 эътиборимизда бўлиб, улар  
 муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррирлар:  
 Донийр ТОШБОВЕВ,  
 Равшан МАХМУДОВ  
 Навбатчи:  
 Вилоятхон ШОДИЕВА  
 Дизайн гуруҳи:  
 Маъмуржон ҚУДРАТОВ,  
 Лазиз МЕЙЛИКОВ,  
 Фирдавс ҲАМИДУЛЛАЕВ

ТЕЛЕФОНЛАР:  
 Қабулхона (факс): (71) 232-12-03, +99897 755-10-11

Электрон почта:  
 mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

ISSN 2010-7714

123456